

Бу йил Ватанимизнинг мустақил тараққиёт йўлини белгилаб берган, уни ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтаришнинг асосий принцип ва қоидаларини ўзига мужассам этган Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, Бош қомусимиз бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик тамойили таъминланганидан фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустақам пойдеворини яратиб берди.



## ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Ҳақиқатан ҳам, Конституциямиз мамлакатимизда демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий ҳуқуқий пойдеворидир. Бунинг тасдиғини халқимиз йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиёт йўлида ҳаётнинг барча соҳаларида бемисл ютуқларга эришгангани, Бош қомусимизда кафолатланган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш изчил рўёбга чиқаргани мисолида яққол кўриш мумкин.

Кўп миллатли бағрикенг халқимиз онг-шуурида рўй берган мустақиллик кайфияти ва бунёдкорлик руҳи, фуқароларнинг атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлиги, ижтимоий онги, сиёсий тафаккури, дунёқараши, умуман ҳаётга, келажаққа бўлган ишончи, яхши яшашга, мақбул шароитларда ишлашга, замонавий ва илғор анъаналарга бўлган интилишининг тобора

ортиб бораётгани — буларнинг барчаси юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари Конституциямиз асосида ҳимоя қилинаётганининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Ҳа, аслида ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси истиқлол туфайли мустақам пойдевори кўйилган келажақ буюк давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги барча эзгу ниятларимизни

Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, судларни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган аниқ мақсадга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

### Истиқлол имкониятлари

## Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг бош мақсади

Энг муҳими, юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар инсонпарварлик ҳамда бағрикенглик тамойиллари билан уйғун тарзда амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси, албатта, фуқароларнинг Конституциямиз ва амалдаги қонунчиликда мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги конституциявий норманинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Айтиш керакки, судьялар таркибини сифат жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда мустақамлашга ижобий жиҳатдан сезиларли таъсир кўрсатаётган омиллар ҳақида сўз борганда, Президентимизнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"

ва 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари муҳим аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳозирги кунда мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар асосида судьялар ва суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, судьялар малакасини ошириш ҳамда судларнинг моддий-техник базасини янада такомиллаштириш борасидаги ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий маляка комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармойиши самаралари хусусида тўхталиб ўтиш жоиз.

(Давоми иккинчи бетда)

### Қонун ијодкорлиги

## Электрон ҳуқуқат соҳаси

бу борадаги ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда

Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари миллий иқтисодиёт тармоқлари ва ҳаётимизнинг барча соҳаларига кенг татбиқ этилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига кўрсатилаётган интерактив давлат хизмати турлари изчил кенгаймоқда.

Маълумки, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) тараққиёти доирасида "Электрон ҳуқуқат" тизимининг жорий этилиши, ўз навбатида, соҳани ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш талабини кун тартибига қўймоқда. Бинобарин, мазкур тизим жаҳон амалиётида ўзининг тежамкорлик ва ишончлилик каби бир қатор афзалликларини намойён этиб улгурган.

(Давоми учинчи бетда)

### Mezon

## Ёшлар истиқболини асрашга барча масъул

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда тинчлик ва ижтимоий барқарорликни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш борасидаги эзгу ҳаракатларда навқирон авлод тарбиясига жиддий эътибор қаратиш, уларнинг онгу шуурини ёт гоьлардан ишончли ҳимоялаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таълимий-амалий маркази томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этиш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга зид гоьлар ва хуружларнинг моҳиятини очиб бериш марказ мутахассисларининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

### Xabar

## Инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 26-моддаси

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Хабас корпус" институти — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ташкил этилган тадбирда судьялар, суд ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда судлар фаолияти такомиллашиб, жиноят процессида шахс ҳуқуқларини кафолатлашнинг мустақ-

кам асослари яратилгани таъкидланди. Шахсони озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди.

Хусусан, кўплаб жиноятлар таркиби ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилгани, ярашув институти жорий этилгани инсон ҳуқуқлари юксак даражада таъминланишига хизмат қилаётди. Бу ислохотлар натижасида 2014 йилда озодликдан маҳрум қилинганлар сони 2000 йилга нисбатан 16,5 фоиз камайган.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд ва Олий хўжалик суди судьялари, фуқаролик, жиноят ва хўжалик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирок этди.

## Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленумларининг қўшма мажлиси



Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ш.Ғозиев, Олий хўжалик суди раиси К.Комилов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон миқёсида давом этаётган инқирозга қарамасдан жадал ўсаётганини таъкидлади.

Бунда тадбиркорлик ва кичик бизнес учун кенг имкониятлар яратилаётгани, соҳа вакиллари ҳуқуқий кафолат-

лари тобора мустаҳкамланаётгани алоҳида аҳамият касб этаётди. Айниқса, давлатимиз раҳбари илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинаётган қонунлар бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширмоқда.

Тадбиркорлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишида суд тизими ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди

ўртасида мустақам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Утган даврда мазкур судлар пленумлари томонидан ўнга яқин қўшма қарор қабул қилинган ва улар амалиётга самарали татбиқ этиб келинаётди.

Йиғилишда Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленумлари мажлисида "Ишларнинг тааллуқлиги билан боғлиқ процессуал қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қўшма қарор лойиҳаси муҳокама қилинди.

(Давоми учинчи бетда)





